

ЁШЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Xurramov Alisher Suyunovich

©O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi Universiteti mustaqil izlanuvchisi.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18379359>

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда ёшлар (вояга етмаганлар) ҳуқуқбузарликлари профилактикаси миллий тизимини янги бошқарув парадигмаси асосида модернизация қилишнинг концептуал йўналишлари таҳлил қилинади. Президентнинг 2026 йил 5 январдаги ПҚ–1-сон қарори доирасида профилактика “назорат ва реакция” моделидан “барвақт аниқлаш ва бартараф этиш” (проактив) моделига ўтаётгани асосланади.

Мақолада “илмий хулоса—тавсия—натижаси” циклини ташиқлий форматга ўтказиш, манзилли интервенцияларни режалаштириш ва мониторинг орқали натижавийликни баҳолаш масалалари очиб берилади. Шунингдек, рақамли профилактика (data-driven бошқарув, AI/АКТ, “E-ijtimoiy profilaktika” ва тегишли модулар)ни жорий этишнинг институционал афзалликлари ва ҳуқуқий чекловлари, хусусан шахсга доир маълумотлар ҳимояси ҳамда идоралараро маълумот алмашинуви қонунийлигини таъминлаш талаблари ёритилади. Мақола якунида ювенал адлия нормаларини кодификация қилиш, диверсия ва ресторатив механизмларни кенгайтириш орқали профилактиканинг реабилитацион йўналишини кучайтириш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: ёшлар ҳуқуқбузарликлари; профилактика; модернизация; ПҚ–1; проактив ёндашув; далилга асосланган сиёсат (evidence-based); манзилли интервенция; KPI; рақамли профилактика; сунъий интеллект; идоралараро интеграция; шахсга доир маълумотлар; ювенал адлия; диверсия; ресторатив адлия.

МОДЕРНИЗАЦИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ СРЕДИ МОЛОДЕЖИ: ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНЦЕПТУАЛЬНЫХ ОСНОВ

Аннотация. В статье анализируются приоритетные направления модернизации национальной системы профилактики правонарушений среди молодежи (включая несовершеннолетних) в Республике Узбекистан на основе новой управленческой парадигмы. Обосновывается, что в рамках Постановления Президента № ПҚ–1 от 5 января 2026 года профилактика трансформируется от логики «контроля и реакции» к логике раннего выявления и устранения причин (проактивный подход). Раскрывается прикладное значение цикла «научное заключение — рекомендация — результат», включая адресные интервенции и мониторинг эффективности через показатели результативности. Отдельное внимание уделено цифровой трансформации профилактики (data-driven управление, применение ИКТ и ИИ, развитие платформы “E-ijtimoiy profilaktika”), а также правовым условиям межведомственного обмена данными и обеспечению защиты персональных данных.

В заключение предлагаются направления институционализации элементов ювенальной юстиции, расширения диверсии и ресторативных механизмов, ориентированных на реабилитацию и социальную реинтеграцию.

Ключевые слова: профилактика правонарушений; молодежь; несовершеннолетние; модернизация; ПК–1; проактивный подход; доказательная политика (evidence-based); адресные интервенции; KPI; цифровая профилактика; искусственный интеллект; межведомственная интеграция; персональные данные; ювенальная юстиция; диверсия; ресторативное правосудие.

MODERNIZING UZBEKISTAN'S NATIONAL YOUTH OFFENSE PREVENTION SYSTEM: PRIORITY DIRECTIONS AND STRENGTHENING THE CONCEPTUAL FRAMEWORK

Abstract. This article examines priority directions for modernizing Uzbekistan's national system for preventing youth (including juvenile) offenses under an emerging governance paradigm. It argues that, following Presidential Resolution PQ–1 of 5 January 2026, prevention is shifting from a “control-and-reaction” logic toward early identification and elimination of root causes through proactive intervention. The paper operationalizes the “scientific conclusion — recommendation — outcome” cycle as an organizational model for diagnosis, targeted interventions, and performance monitoring via results-oriented indicators. It further assesses the institutional benefits and legal constraints of digital prevention (data-driven management, ICT/AI adoption, and the “E-ijtimoiy profilaktika” ecosystem), emphasizing lawful inter-agency data exchange and robust personal data protection requirements. Finally, the article proposes policy and legal avenues to strengthen juvenile justice foundations through codification efforts, expanded diversion, and restorative mechanisms aimed at rehabilitation and social reintegration.

Keywords: youth offense prevention; juvenile delinquency; modernization; PQ–1; proactive prevention; evidence-based policy; targeted interventions; KPI; digital prevention; artificial intelligence; inter-agency integration; personal data protection; juvenile justice; diversion; restorative justice; social reintegration.

Ўзбекистон Республикасида давлат қурилиши ва жамият бошқарувининг янги босқичида ёшлар сиёсати, хусусан, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласи миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг таркибий йўналиши сифатида институционал даражада қайта таърифланмоқда. Мазкур тенденциянинг стратегик йўналиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК–1-сон қарори билан концептуал жиҳатдан мустаҳкамланди¹. Ушбу қарорнинг аҳамияти фақат маъмурий-ташкилий чора-тадбирлар мажмуи билан чекланмай, балки профилактика фаолиятининг методологик

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги ПК–1-сон қарори “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” // Lex.uz

парадигмасини янгилашни — “назорат ва реакция” логикасидан “барвақт аниқлаш ва бартараф этиш” логикасига ўтишни кўзда тутиши билан изоҳланади.

Амалий таҳлил шуни кўрсатадики, профилактика тизимида узоқ йиллар давомида “реактив” ёндашув (содир этилган ҳуқуқбузарликка жавоб қайтариш) ва “статистик натижа”га йўналтирилган назорат функцияси доминант бўлиб келган. Бироқ глобаллашув ва рақамли муҳит кенгайиши шароитида ёшлар учун хос криминоген рисклар (кибербуллинг, виртуал фирибгарлик, деструктив ахборот таъсири ва бошқалар) профилактикадан “проактив” — олдиндан кўра билиш ва рискни бошқариш қобилиятини талаб қилмоқда. Шу маънода, “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1-сон қарорининг биринчи концептуал устун сифатида “илмий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш” ва оила-турмуш муносабатлари ҳамда ёшлар жиноятчилиги омилларини илмий усулларда таҳлил этиб, барвақт олдини олиш механизмларини белгилаш вазифаси қўйилган.

Қарорда мустаҳкамланган “илмий хулоса — тавсия — натижа” тамойили профилактик сиёсатни эмпирик-интуитив қарорлардан ажратиб, илмий асосланган бошқарув циклига айлантиради. Ушбу циклнинг биринчи босқичи — илмий хулоса (*diagnosis*) яъни жиноятчиликни фақат “симптом” (рўйхатга олинган ҳолатлар сони) орқали эмас, балки “этиология” (келиб чиқиш сабаблари ва омиллар комплекси) нуқтаи назаридан ўрганишни назарда тутди. Бу ёндашув “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1-сон қарорда маҳаллалар кесимида криминоген вазиятга салбий таъсир этувчи омиллар билан ишлаш учун ҳар чораклик манзилли чора-тадбирларни белгилаш, уларнинг ижросига масъул раҳбарларни бириктириш ва аниқ жавобгарлик юклаш талаблари билан уйғунлашади.

Иккинчи босқич — тавсия (*prescription*) яъни ташхисдан келиб чиққан ҳолда қолиплашган чоралар эмас, балки манзилли, ихтисослашган интервенциялар пакетини ишлаб чиқишни талаб қилади. Қарорда ижтимоий профилактикани устувор вазифа сифатида белгилаш, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни ишончли таъминлаш учун манзилли профилактик чора-тадбирлар тизимини жорий этиш мақсади айнан шу натижага қаратилган. Шу билан бирга, илова сифатида тасдиқланган “Ижтимоий профилактика ҳафталиги” механизми профилактика объектларининг муаммоларини ўрганиш, хулосаларни расмийлаштириш ва ижрочиларга йўналтириш каби амалиётга йўналтирилган жараёнларни институционаллаштиради.

Учинчи босқич — натижа (*outcome*) яъни амалга оширилган тавсиялар самарадорлигини фақат “жиноятлар сони камайиши” билан эмас, балки бошқарув сифатини ифодаловчи индикаторлар орқали баҳолашни тақозо этади. Шунингдек, “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–1-сон Қарор доирасида 2026–2027 йилларда ҳар чоракда ҳудудлар кесимида “асосий мақсадли кўрсаткичлар”ни тасдиқлаш ва уларга эришиш устидан назорат ўрнатиш вазифаси белгилангани ушбу натижавийлик архитектурасини кучайтиради.

Бунда диссертацион таҳлил нуктаи назаридан КРІ тизимиға жиноятчилик динамикаси билан бир қаторда аҳолининг хавфсизлик ҳисси, ҳуқуқ-тартибот органларига ишонч, профилактик хизматлардан фойдаланиш имконияти каби *“ижтимоий эффект”* кўрсаткичларини киритиш илмий жиҳатдан асосли ҳисобланади.

Мазкур ёндашув назарий жиҳатдан халқаро криминологик доктринада шаклланган *“evidence-based policing / evidence-based crime prevention”* парадигмасига мос келади. Хусусан, Lawrence W. Sherman 1998 йилда *“evidence-based policing”*ни полиция амалиёти натижаларини баҳоловчи энг яхши мавжуд тадқиқотлардан фойдаланган ҳолда йўриқномаларни татбиқ этиш ва фаолиятни баҳолашга қаратилган қарор қабул қилиш модели сифатида талқин қилган². Кейинги ишларида у *“what works”* (нима ишлайди) принципи асосида полиция қарорларини анъана ёки фаразларга эмас, балки эмпирик далиллар ва доимий тестлашга таянган ҳолда қабул қилиш лозимлигини илмий асослайди³. Демак, *“Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПҚ–1-сон қарорининг *“илмий ҳулоса — тавсия — натижа”* модели миллий профилактика тизимини айнан шундай *“далилга таянган бошқарув”* йўлига киритишга хизмат қилади.

Модернизациянинг иккинчи устувор йўналиши — профилактика субъектлари ўртасидаги институционал архитектура ва ҳисобдорлик механизмларини аниқлаштиришдир. *“Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПҚ–1-сон қарорда маҳаллани профилактиканинг *“қўйи бўғини”* эмас, балки манзилли ишлашнинг стратегик майдони сифатида белгилаб, масъул раҳбарларни криминоген вазият даражасига кўра номма-ном бириктириш орқали ваколат–масъулият мувозанатини қайта курган. Хусусан, криминоген вазияти оғир маҳаллалар туман(шаҳар) ҳокими, прокурори ва ички ишлар раҳбариятига; узоқ муддат *“қизил”* тоифадаги маҳаллалар эса Миллий гвардия ҳудудий бошқармалари, вилоят даражасидаги раҳбарлар ва бошқа субъектларга бириктирилиши рискка мутаносиб институционал жавоб моделини ифодалайди⁴. Бундан ташқари, бириктирилган раҳбарлар зиммасига *“қатъий шахсий жавобгарлик”* юкланиши ва профилактика тадбирлари самарадорлиги юзасидан *“қатъий сўров тизими”*ни йўлга қўйиш талаби, амалда, *“ҳамма жавобгар — ҳеч ким айбдор эмас”* ҳолатини бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий конструкция сифатида намоён бўлади.

Ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги *“Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПҚ–1-сон қарори доирасидаги профилактикада рақамли трансформацияни жадаллаштириш ҳам

² Sherman L. W. Evidence-Based Policing. — Washington, D.C.: Police Foundation, 1998. — P 5-9. // <https://ru.scribd.com/document/111422153/Sherman-1998-Evidence-Based-Policing>

³ Sherman L. W. The rise of evidence-based policing: Targeting, testing, and tracking // Crime and Justice. — 2013. — Vol. 42, No. 1. — P. 377–451.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги ПҚ–1-сон қарори *“Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”* // Lex.uz

алоҳида устувор вазифа сифатида қайд этилган. Хусусан, замонавий ахборот-коммуникация, сунъий интеллект технологияларини қўллаш, шунингдек, ижтимоий профилактика субъектлари чораларининг самарадорлиги устидан электрон назорат тизимини кенг жорий этиш вазифаси белгиланди. Бу норма диссертацион таҳлилда *“рақамли профилактика”*нинг институционал-ҳуқуқий асоси сифатида талқин қилиниши мумкин. Шунингдек, профилактика қарорлари маълумотларга таяниши, ижро интизоми реал вақтда мониторинг қилиниши ва ресурслар ризкка қараб қайта тақсимланиши имконини беради. Шу билан бирга, *“Ижтимоий профилактика ҳафталиги”* доирасида бандликни таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратиш каби вазифаларнинг белгиланиши профилактиканинг *ижтимоий инклюзия* тамойили билан уйғунлигини кўрсатади. Бир сўз билан айтганда мазкур ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги *“Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПҚ–1-сон қарорининг методологик инновацияси миллий ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси тизимини учта ўзаро боғлиқ йўналишда модернизация қилишга ҳуқуқий асос яратади. Буларга:

- а) *далилга таянган таҳлил ва қарор қабул қилиш (evidence-based policy);*
- б) *ризкка мутаносиб институционал ҳисобдорлик ва манзилли ишлаш;*
- в) *рақамли мониторинг ва ижтимоий инклюзив интервенциялар орқали барвақт профилактикаси* кабилардир.

Ушбу учлик ёндашув диссертация доирасида миллий тизимнинг *“реактив-назорат”* моделидаги чекловларни илмий асосда очиб бериш ҳамда *“проактив-илмий-рақамли”* моделга ўтишнинг концептуал архитектурасини тавсифлаш учун методологик пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, *“Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПҚ–1-сон қарорининг ташкилий-институционал дизайнидаги муҳим инновация шундан иборатки, профилактика сиёсати эндиликда *“умумий”* (blanket) таъсир чораларига эмас, балки *криминоген хавф даражасига мутаносиб манзилли бошқарувга* таянган ҳолда қўйилмоқда. Бу ёндашув, аввало, маҳаллаларнинг криминоген ҳолатига қараб тоифаланиши ва масъул раҳбар ҳамда муассасаларнинг *номма-ном бириктирилиши* орқали ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизимини институционал жиҳатдан *“жойига туширади”* уч йилдан буён *“қизил”* тоифада қолаётган маҳаллаларни ҳуқуқ-тартибот идораларининг таълим ва илмий ташкилотларига бириктириш амалиёти айнан шу моделнинг энг ёрқин кўринишидир⁵.

Мазкур механизмнинг илмий-назарий аҳамияти икки йўналишда намоён бўлади. Биринчидан, у криминологиядаги *“далилга асосланган интервенция”* ғоясини (муаммонинг илдиз сабаблари ва контекстини аниқлаб, шу асосда таъсир чорасини

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2026 йил 5 январь, ПҚ-1-сон *“Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”* // <https://www.lex.uz/uz/docs/7973611>

танлаш) институционал қарорга айлантиради. Мазкур қарорда жамоат жойларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга замонавий АКТ ва *сунъий интеллект* технологияларини, шунингдек ижтимоий профилактика самарадорлиги устидан *электрон назорат* тизимини кенг жорий этиш устувор вазифа сифатида белгиланган. *Иккинчидан*, таълим-илмий ташкилотларнинг криминоген ҳудудларга бириктирилиши амалиёти академик билимни “кабинет”дан “майдон”га чиқаришга қаратилган *engaged scholarship* (жамоат манфаати учун ҳамкорликда билим ишлаб чиқариш) парадигмасига концептуал уйғун келади. Бу нуқтаи назардан, мазкур ёндашув университетларнинг жамиятнинг энг долзарб ижтимоий муаммоларига ечим топишда “*фаол шерик*” бўлиши зарурлиги ҳақидаги *E.L.Boyer* қарашлари билан методологик муштаракликка эга⁶.

Шу билан бирга, “*университет–жамият*” ҳамкорлиги профилактика соҳасида фақат илмий тадқиқот эмас, балки *ташкилий-амалий натижа* беришини таъминлаш лозим. Қарорга мувофиқ, бириктирилган масъул раҳбарлар ва муассасалар зиммасига ҳудудий “йўл хариталари” ижросини таъминлаш, ижтимоий профилактика тизимини самарали йўлга қўйиш ҳамда натижа учун *қатъий шахсий жавобгарлик* юкланиши бу ҳамкорликни декларатив эмас, балки ҳисобдорликка таянган бошқарув механизмига айлантиради. Бунда “*ҳамма жавобгар, аммо ҳеч ким масъул эмас*” феномени институционал жиҳатдан чекланиб, *масъулиятнинг шахсийлашуви* (personalized accountability) таъминланади.

Профилактика ишларининг барқарорлигини таъминлаш учун “*Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*”ги ПҚ-1 қарори “*ижтимоий профилактика*”ни алоҳида тадбирлар йиғиндиси эмас, балки *режалаштирилган циклик жараён* сифатида ташкил этишга ўтказди. Бунда қарор иловаси билан республика маҳаллаларида “*Ижтимоий профилактика ҳафталиги*”ни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом қабул қилиниб, ҳафталикни ўтказиш ташкилий механизми, масъул субъектлар ва мувофиқлаштириш тартиблари белгиланади.⁵ Низомга кўра, туман (шаҳар) ҳокимлари ўз ҳудудини ўрганиш натижасидан келиб чиқиб, “*Ижтимоий профилактика ҳафталиги*”ни *бир ойда бир мартаба* ўтказиш бўйича таклифларни шакллантиради. Шунингдек, мазкур таклифда эса ҳафталик доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг *аниқ механизми, муддати, ижрочиси ва молиявий манбаси* кўрсатилиши шарт.

Диссертация доирасида мазкур низомий талабларни амалий-методик жиҳатдан тўлдириш мақсадида ҳафталикни қуйидаги функционал блокларга ажратиш таклиф этилади:

Биринчидан, 1–2 кунни диагностика ва режалаштиришга қаратиш. Бунда маҳалладаги “*ижтимоий-криминологик профил*” янгиланади, хавф индикаторлари (*оилавий низолар, назоратсизлик, таълимдан узилиш, девиант гуруҳлар таъсири, кибер-хатарлар*) қайта баҳоланади. Шунингдек, масъуллар кесимида интервенция режаси ишлаб чиқилади;

⁶ Boyer, E. L. The Scholarship of Engagement. *Journal of Public Service and Outreach*, 1996, Vol. 1(1), pp. 11–20.

Иккинчидан, 3–4 кунни манзилли интервенцияга қаратиш. Бунда “хавф гуруҳи” даги вояга етмаганлар ва ёшлар, шунингдек низоли оилалар билан индивидуал ва гуруҳли ишлаш (*психологик маслаҳат, медиатив суҳбат, ҳуқуқий тушунтириш, реабилитация йўналиши*) амалга оширилади;

Учинчидан, 5–6 кунни ижтимоийлашув ва инклюзияга қаратиш. Бунда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган ижтимоий-маданий ва спорт-интеллектуал тадбирлар, бандлик ва таълимга йўналтирувчи қўллаб-қувватлаш чоралари (*инклюзив дастурлар, менторлик, клуб-тўғарақлар*) кучайтирилади;

Тўртинчидан, 7-кунни мониторинг ва баҳолашга қаратиш. Бунда натижа КРІ ва сифат кўрсаткичлари (*хавф индикаторларининг пасайиши, мурожаатлар билан ишлаш тезлиги, профилактика объектларининг ижтимоий мослашув динамикаси, аҳолининг хавфсизлик ҳисси*) асосида муҳокама қилиниб, кейинги цикл учун коррективкалар киритилади.

Муҳими, бу цикл ПҚ-1 қарорининг “*илмий хулоса—тавсия—натижа*” принципини ташкилий форматга ўтказди. Бу эса *диагностика* (илмий хулоса) → *манзилли интервенция* (тавсияни амалга ошириш) → *мониторинг* (натижа)ни амалга оширади.

Ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасида рақамли трансформация ПҚ-1 доирасида алоҳида устуворлик сифатида институционаллаштирилган. Қарорда ижтимоий профилактика самарадорлиги устидан электрон назорат ва жамоат жойларда барвақт олдини олишга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш вазифаси қайд этилган бўлиб, бу профилактикани *data-driven* (маълумотларга таянган) бошқарув босқичига кўтаришга хизмат қилади.

Шу контекстда, 2026 йил 1 майга қадар “*E-ijtimoiy profilaktika*” ахборот тизимининг “*E-nizoli oila*” модулини жорий этиш ва уни судлар ўртасида тўғридан-тўғри интеграция қилиш чораларини кўриш топшириғи профилактика субъектлари учун ягона “*маълумот-таҳлил-мониторинг*” контурини яратади⁷. Модулнинг концептуал вазифаси — оила-турмуш муносабатлари доирасидаги хавф омилларини эрта аниқлаш, уларни таснифлаш ва манзилли интервенцияларни ўз вақтида бошлашдир. Бу ерда “*барвақт аралашув*” (*early intervention*) тамойили давлат сиёсати даражасида техник-ташкилий механизм билан таъминланмоқда.

Алоҳида аҳамиятли йўналиш — фуқаролар ва маҳалла профилактика инспекторлари ўртасидаги рақамли коммуникацияни кучайтиришдир. Қарорга кўра, 2026 йил 1 ноябрга қадар фуқароларга инспектор билан онлайн мулоқот қилиш, фото-аудио-видео материал ва “*ташвиш хабарлари*” юбориш, шунингдек инспектор фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи “*Менинг инспекторим*” мобил иловаси ишлаб чиқилиши ва оммалаштирилиши назарда тутилган⁸. Диссертация нуқтаи назаридан, мазкур инструмент

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2026 йил 5 январь, ПҚ-1-сон: “*E-ijtimoiy profilaktika*” ахборот тизимининг “*E-nizoli oila*” модулини 2026 йил 1 майга қадар жорий этиш ва судлар ўртасида интеграция қилиш // <https://www.lex.uz/uz/docs/7973611>

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2026 йил 5 январь, ПҚ-1-сон: “*Менинг инспекторим*” мобил иловасини 2026 йил 1 ноябрга қадар ишлаб чиқиш ва оммалаштириш // <https://www.lex.uz/uz/docs/7973611>

профилактикада ишонч (*public trust*) ва жамоат иштирокини оширишга қаратилган *feedback loop* (қайта алоқа ҳалқаси) сифатида баҳоланиши мумкин.

Шу билан бирга, рақамли трансформациянинг ҳуқуқий-ахлоқий таваккаллари ҳам назардан четда қолмаслиги лозим. Хусусан, маълумотлар интеграцияси ва AI-инструментлар қўлланилганда шахсий маълумотларни муҳофаза қилиш, пропорционаллик, алгоритмик адолат (*bias risk*) ва инсон ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш масалалари алоҳида ҳуқуқий регламент талаб қилади. Бу позиция халқаро амалиётда ҳам эътироф этилган бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида “*муаммо сабабларига йўналтирилган*” (*problem-oriented*) ёндашувнинг самарадорлиги фақат технология билан эмас, балки таҳлилнинг сифатлилиги ва баҳолаш (*assessment*) маданияти билан белгиланиши таъкидланади⁹.

“*Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*” ги ПҚ-1 қарорининг профилактикага оид фалсафий-методологик ўзгаришлари (*илмий ёндашув, манзиллаш, инклюзия, рақамлашув*) миллий моделни халқаро стандартлар билан мувофиқлаштириш учун қулай институционал “*платформа*” яратади. Айниқса, вояга етмаганлар билан ишлашда *ихтисослашув, диверсия* ва *ресторатив* механизмларни кенгайтириш масалалари БМТнинг фундаментал ҳужжатлари билан бевосита боғлиқ.

Бир томондан, “*Пекин қоидалари*” вояга етмаганларга нисбатан адлияни амалга оширишда ихтисослашган институтлар, пропорционаллик ва тарбиявий-реабилитацион мақсад устуворлигини илгари суради¹⁰. Иккинчи томондан, “*Ар-Риёд йўриқномалари*” профилактиканинг асосий вектори сифатида ижтимоийлашув, муҳит омиллари, стигматизацияни камайтириш ва эрта интервенцияни таъкидлайди¹¹. Демак, миллий модернизация концепцияси доирасида қуйидаги йўналишлар илмий-амалий жиҳатдан асосли деб қаралади:

1. **Ювенал адлия элементларини институционаллаштириш.** Бунда вояга етмаганлар ва ёшлар ишлари бўйича ихтисослашган судьялар корпусини босқичма-босқич жорий этиш. Шунингдек, судьялар тайёргарлигида педагогика-психология компетенцияларини кучайтиришга хизмат қилади ва мамлакатда “ихтисослашув” талабини амалий механизмга айлантиради¹².

2. **Диверсия (*diversion*) механизмларини кенгайтириш.** Мазкур ислоҳот мамлакатда жиноий таъқибдан альтернатив чиқиш йўллари (*медиация, ижтимоий реабилитация дастурлари, мажбурий жамоат ишлари, индивидуал назорат-маслаҳат*)ни кенг қўллаш. Бунда мақсад — ёшларни жазо муассасалари субмаданияти ва стигматизациядан сақлаб қолиш, профилактиканинг ижтимоий самарасини ошириш.

⁹ Braga A.A. Problem-Oriented Policing and Crime Prevention: A Review //Arizona State University, POP Center. – P - 39. / <https://popcenter.asu.edu>

¹⁰ United Nations Standard Minimum Rules for the Administration of Juvenile Justice (“The Beijing Rules”), General Assembly resolution 40/33 (29 November 1985) // <https://www.ohchr.org>

¹¹ United Nations Guidelines for the Prevention of Juvenile Delinquency (“The Riyadh Guidelines”), General Assembly resolution 45/112 (14 December 1990) // <https://www.ohchr.org>

¹² United Nations Standard Minimum Rules for the Administration of Juvenile Justice (“The Beijing Rules”), General Assembly resolution 40/33 (29 November 1985) // <https://www.ohchr.org>

3. **Ресторатив адлияни миллий муҳитга мослаштириш.** Бунда халқаро даражада ресторатив дастурларни ривожлантириш бўйича БМТ тизими “Basic Principles” (ECOSOC 2002/12) орқали аниқ йўналиш берган бўлиб, у иштирокчилик, жабрланувчи манфаати, зарарни қоплаш ва қайта интеграция ғояларини ҳуқуқий-ташкилий стандарт сифатида мустаҳкамлайди¹³. Мазкур ёндашув Янги Зеландиядаги *Family Group Conferences* моделида амалий ифодасини топган. Мазкур институт қонун даражасида мустаҳкамланган бўлиб, конференциянинг функциялари ва иштирокчилари доираси норматив тарзда белгиланган¹⁴. Диссертация нуқтаи назаридан, мазкур модел Ўзбекистон шароитида маҳалла институтлари ва “ижтимоий хизматлар” инфратузилмаси билан интеграция қилинган ҳолда (*масалан, реабилитация-медиация-менторлик пакетлари*) қўлланса, профилактиканинг репрессив эмас, *қайта тикловчи* (restorative) табиати кучаяди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда миллий профилактика тизимининг модернизациясида институционал механизмлар (*маҳалла тоифаланиши, “илмий ҳулоса — тавсия — натижа” цикли, манзилли интервенциялар*) қанчалик муҳим бўлмасин, *ислоҳотнинг реал самараси* уни ижро этувчи кадрларнинг компетенцияси ва фаолиятни баҳолаш мезонларига (KPI) бевосита боғлиқдир. Шу маънода, 2026 йил 5 январда қабул қилинган ПҚ-1-сон қарор *профилактика самарадорлигини “кўрсаткич қувиш”дан “натижа бошқаруви”га ўтказиш* учун ташкилий-назорат архитектурасини белгилаб берди. Бунда 2026–2027 йилларда ҳар чорак кесимида ҳудудлар бўйича *асосий мақсадли кўрсаткичларни тасдиқлаш ва уларнинг ижроси устидан назорат* қилиш вазифаси мустаҳкамланди¹⁵. Қарорда, шунингдек, маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш натижалари *ҳар ой ва ҳар чорак* якунида танкидий муҳокама қилиниши ҳамда рағбатлантириш/интизомий чоралар бўйича таклифлар киритилиши назарда тутилгани КРИни “*формал ҳисобот*” эмас, балки *ижро интизоми ва жавобгарликни персоналлаштирувчи бошқарув инструменти* сифатида шакллантиради¹⁶.

Ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасида анъанавий “*налка*” ёндашуви (маъмурий баённома, ҳисобот учун “тадбир”) қўлланилганда, тизим кўпинча *илдиз сабабларга* эмас, балки “*кўринадиган фаоллик*”га йўналади. ПҚ-1 қарор мантиғи эса КРИни *этиологияга таъсир этувчи, ўлчанадиган ижтимоий натижалар* билан боғлашни тақозо этади. Шу боис, диссертация концепцияси доирасида ёшлар профилактикаси учун КРИ тизими қуйидаги тўртта “*натижа ядроси*”га қурилиши мақсадга мувофиқ:

Биринчи ядро — рецидив ва хавф динамикаси. Ёшлар (айниқса профилактик ҳисобда турганлар) орасида қайта ҳуқуқбузарликни камайтириш профилактиканинг

¹³ UN Economic and Social Council (ECOSOC) Resolution 2002/12: Basic Principles on the Use of Restorative Justice Programmes in Criminal Matters, 24 July 2002, E/RES/2002/12. // <https://www.refworld.org>

¹⁴ Oranga Tamariki Act 1989 (New Zealand), Part 4: Family group conferences / <https://www.legislation.govt.nz> // Oranga Tamariki (New Zealand): “Restorative justice and the family group conference” / <https://practice.orangatamariki.govt.nz>

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 05.01.2026 й., ПҚ-1-сон “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” // 2026–2027 йилларда ҳар чоракда асосий мақсадли кўрсаткичларни тасдиқлаш ва назорат қилиш ҳақидаги норма // <https://www.lex.uz/uz/docs/7973611>

¹⁶

стратегик индикатори ҳисобланади. Рецидив кўрсаткичини баҳолашда фақат “қайта жиноят” эмас, балки хавф омилларининг сусайиши (масалан, мактаб давомати тикланиши, низоли муҳит бартараф этилиши, психологик ёрдам қамрови) каби мезонлар ҳам интеграция қилиниши лозим. Бу ёндашув халқаро методик адабиётларда реинтеграция самарасини баҳолашда **reoffending/desistance** индикаторларини асосий натижа деб қараш амалиётига мос келади.³

Иккинчи ядро — *ижтимоий реинтеграция ва “қайта ижтимоийлашув” натижалари*. Жазо ёки махсус профилактик таъсир чораларидан кейин ёшнинг ўқишга қайтиши, касб-ҳунарга йўналиши, бандлиги таъминланиши, ижтимоий хизматлар билан барқарор қамровга олиниши — ҳуқуқбузарликка олиб боровчи омилларни бартараф этадиган тузилмавий КРІдир¹⁷.

Учинчи ядро — *жамоат ишончи ва хавфсизлик ҳисси (sense of safety)*. Ёшлар билан ишлашда ҳуқуқ-тартибот органларига нисбатан ишонч даражаси профилактиканинг “*кўринмас капитали*” бўлиб, у ҳамкорлик, мурожаат қилиш, профилактик суҳбатлар самарасига таъсир кўрсатади. Процедуравий адолат ва легитимликка таянган назариялар ҳуқуқий итоат ва жамоат ҳамкорлиги учун айнан ишонч ҳал қилувчи омил эканини асослайди; шу боис КРІ тизимида аҳоли қаноатланиши ва ишонч индикаторлари мустақил блок сифатида акс этиши зарур¹⁸.

Тўртинчи ядро — *илмий ҳамкорлик ва амалий имплементация даражаси*. ПҚ-1да уч йилдан буён “қизил” тоифада қолаётган маҳаллаларни ҳуқуқ-тартибот идораларининг таълим ва илмий ташкилотларига бириктириш механизми бевосита назарда тутилган¹⁹. Бу норманинг криминологик аҳамияти шундаки, у ёшлар профилактикасини “кабинет”даги умумий тавсиялардан чиқариб, *далилга асосланган интервенцияларнинг амалиёт полигонига* айлантиради. Демак, КРІда илмий муассасанинг тавсиялари қай даражада жорий этилгани, қандай натижа бергани, қайси омиллар сабаб самара паст бўлгани каби мезонлар институционал тарзда ўлчаниши лозим.

Шундай қилиб, “*янгица фикрлайдиган ижтимоий офицер*” модели — бу фақат ҳуқуқий назорат субъекти эмас, балки *кейс-менежмент* асосида ёш билан индивидуал ишлайдиган, таълим, ижтимоий хизмат ва соғлиқни сақлаш секторлари билан интеграцияда ҳаракат қиладиган, натижани ишонч ва реинтеграция орқали ўлчайдиган амалий мутахассисдир. Ушбу модел ПҚ-1да мустаҳкамланган чораклик мақсадли кўрсаткичлар ва танқидий муҳокама механизмлари билан институционал жиҳатдан уйғунлашади.

Ёшлар (вояга етмаганлар) ҳуқуқбузарликлари профилактикасида илмий-амалий инновациялар барқарор натижа бериши учун улар *аниқ ҳуқуқий асосга* эга бўлиши шарт.

ПҚ-1 билан белгиланган янги бошқарув парадигмаси (манзилли ишлаш, илмий таҳлил, рақамли назорат, идоралараро интеграция) амалда “қонунчилик қоплами”ни

¹⁷ <https://www.unodc.org>

¹⁸ <https://law.yale.edu>

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 05.01.2026 й., ПҚ-1-сон: уч йилдан буён “қизил” тоифада қолаётган маҳаллаларни ҳуқуқ-тартибот идораларининг таълим ва илмий ташкилотларига бириктириш ҳақидаги норма.

модернизация қилишни тақозо этади. Бу ерда камида учта ҳуқуқий йўналиш концептуал аҳамиятга эга:

Биринчидан, *“Ижтимоий профилактика” тушунчасининг қонуний мақоми ва амалий механизми.* Амалда профилактика тўғрисидаги базавий қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий йўналишларини, шу жумладан ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш вазифаларини белгилайди²⁰. Бироқ ПҚ-1 логикасидаги *“ижтимоий профилактика ҳафталиги”*, манзилли интервенция, хавф гуруҳи билан кейс-ишлаш каби механизмлар қонун даражасида янада аниқроқ дефиниция ва ваколат тақсимотини талаб қилади.¹ Демак, миллий қонунчиликда *“ижтимоий профилактика”*нинг: а) мақсади, б) объеклари (вояга етмаган, хавф гуруҳи), в) субъектлари (маҳалла, таълим, соғлиқ, ИИО), г) минимал стандарт тартиб-таомиллари мустақил нормалар билан мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, *идоралараро маълумот алмашинувининг қонунийлиги ва шахсий маълумотлар ҳимояси.* Ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикасида эрта интервенция учун таълимдаги давомат, оилавий низо индикаторлари, ижтимоий хизматлар маълумотлари ва ҳуқуқбузарлик статистикаси ўртасидаги интеграция муҳим. Бироқ бу жараён *“шахсга доир маълумотлар”* соҳасидаги ҳуқуқий талаблар билан мутаносиб бўлиши шарт. Ўзбекистон Республикасининг *“Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”*ги Қонуни шахсий маълумотларга ишлов бериш ва уларни учинчи шахсларга ошкор қилишда ҳуқуқий режимни белгилайди.⁷ Шу боис, *“E-ijtimoiy profilaktika”* каби платформалар (ёки идоралараро ягона реестрлар) учун: а) маълумотларни қайта ишлаш мақсади, б) ҳуқуқий асоси (қонун/қарор), в) минимизация ва пропорционаллик, г) кириш ҳуқуқларини чеклаш, д) аудит ва ахборот хавфсизлиги талабларини қонунчиликда ёки қонун кучига эга регламентларда очиқ белгилаш лозим.

учинчидан, *вояга етмаганлар юстициясига оид нормаларни кодификация қилиш ва халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш.* Ёшлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси фақат *“олдни олиш”* эмас, балки ҳуқуқбузар содир этилганидан кейин ҳам боланинг ҳуқуқий ҳимояси, диверсия, реабилитация ва ресторатив ёндашувларни камраб олади. Халқаро стандартлар — БМТнинг *“Пекин қоидалари”*⁸ ва *“Ар-Риёд йўриқномалари”*⁹ — профилактика ва ювенал адлиянинг институционал хусусиятларини, диверсия ва стигматизацияни чеклаш ғояларини мустаҳкамлайди. Шунингдек, БМТ Болалар ҳуқуқлари қўмитасининг 24-сонли Умумий шарҳи болалар адлиясида озодликдан маҳрум этишни чеклаш, диверсияни кенгайтириш ва бола манфаатининг устуворлигини амалиётга татбиқ этиш масалаларини янада аниқлаштиради²¹.

Шу нуқтаи назардан, келгусида *“Вояга етмаганлар юстицияси кодекси”* концепциясини кўриб чиқиш — миллий нормаларни парчаланган ҳолатдан чиқариб, ягона процессуал-моддий стандартга келтириш имконини беради. Бунда кодекснинг *“профилактика — диверсия — ресторатив адлия — реабилитация — мониторинг”* занжири ПҚ-1нинг *“илмий хулоса — тавсия — натижа”* цикли билан уйғун қўйилиши мақсадга мувофиқ.

²⁰ <https://lex.uz/docs/2387357>

²¹ <https://www.lex.uz/uz/docs/7973611>

Жадвал. Ёшлар ҳуқуқбузарлиги профилактикасида субъектлар масъулияти ва вазифаларининг модернизация қилинган тақсимооти (ПҚ-1-сон қарори таҳлили асосида)

<u>Маҳалла тоифаси</u> (Хавф даражаси)	<u>Бириктирилган масъул раҳбарлар</u> (Институционал субъект)	<u>Модернизацияланган вазифалар ва стратегик ёндашувлар</u>	<u>Қўтилидиган натижа ва самарадорлик индикатори</u> (KPI)
<u>Криминоген вазияти оғир</u> (<u>Қизил</u>)	Туман (шаҳар) ҳокимлари, прокурорлари, ИИБ бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари.	<u>Бевосита инкирозий бошқарув:</u> Худуддаги ижтимоий- иқтисодий муаммоларни тезкор ҳал этиш. Маъмурий ресурсларни (бюджет, кадрлар) тўлиқ сафарбар қилиш.	<u>Жиноятчиликнинг кескин камайиши</u> (камда 30%). <u>Ишсиз ёшлар ва низоли онилар муаммоларининг 100% қамраб оlinиши.</u>
<u>5 йилдан буюн “қизил” тоифада</u> (<u>Сурункали криминоген</u>)	Миллий гвардиянинг худудий бошқарма бошлиқлари, вилоят ИИБ раҳбарлари ўринбосарлари, ҳоким ўринбосарлари.	<u>Тизимли санация:</u> Маҳалладаги ижтимоий муҳитни "даволаш". Инфратўзимлани (ёритиш, камералар) тўдан янгилаш. "Маҳалла еттилиги" таркибини ротация қилиш.	<u>Маҳалланинг "қизил" тоифадан чиқарилиши.</u> Аҳолининг ҳуқуқ- тартибот органларига ишончи индексининг оshиши.
<u>3 йилдан буюн “қизил” тоифада</u> (<u>Илмий полигон</u>)	Ҳуқуқ-тартибот идораларининг таълим ва илмий ташкилотлари (Академия, Университетлар).	<u>Илмий интервенция:</u> Жиноятчиликнинг чуқур илдизларини (ментал, субмаданий) ўрганиш. Экспериментал профилактика моделларини синовдан ўтказиш.	<u>Илмий асосланган методик қўлланмалар яратиш.</u> <u>Профилактиканинг янги самарали алгоритмларини ишлаб чиқиш.</u>
<u>Аёллар ва ёшлар жиноятчилиги юқори</u>	Вилоят даражасидаги Оила ва хотин-қизлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари.	<u>Ихтисослашган ижтимоий ёрдам:</u> Оилавий зўравонлик қурбонлари ва тажовузкорлар билан психологик коррекция ишлари. Репродуктив саломатлик ва ҳуқуқий саводхонлик.	<u>Оилавий-маиший жиноятларнинг олдини олиш.</u> <u>Ажримлар</u>